

## МУСИҚА САНЬЯТИ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА

Азимов Б.

Ўзбекистон давлат консерваторияси

**Аннотация:** Ушбу мақолада мусиқанинг инсон руҳиятига таъсир қилиши ва ёш авлодни мусиқа санъати орқали ахлоқий ва эстетик тарбиялашни самарали олиб борилишида катта таъсир кучига эгалиги хақида сўз етилади. Ўзбекистон мустақилликка эришган йиллари давомида мусиқа санъати ривожи ва мусиқа санъатининг таъсир кучи бекиёслигини кўрсатиб беришга асосланади.

**Калим сўзлар:** Янги Ўзбекистон, мусиқа маданияти, буюк мутаффакирлар, таълим, кўрик-танловлар, ёшлар тарбияси.

**Аннотация:** В данной статье говорится о влиянии музыки на психику человека и ее огромном влиянии на эффективное проведение нравственно-эстетического воспитания молодого поколения посредством музыкального искусства. В его основе показано ни с чем не сравнимое влияние музыкального искусства и развитие музыкального искусства в годы независимости Узбекистана.

**Ключевые слова:** Новый Узбекистан, музыкальная культура, великие мыслители, образование, конкурсы, воспитание молодежи.

**Abstract:** This article talks about the influence of music on the human psyche and its enormous influence on the effective implementation of moral and aesthetic education of the younger generation through the art of music. It is based on the incomparable influence of musical art and the development of musical art during the years of independence of Uzbekistan.

**Key words:** New Uzbekistan, musical culture, great thinkers, education, competitions, youth education.

2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланди. Ёшларнинг соглом дунёқараш соҳиби бўлиб камол топишида маданият муассасалари ва унга тайёрланаётган маданият ходимлари мухим аҳамият касб этади. Бундан 5-6 йил аввал битирувчиларнинг 9 фоизига талабалик насиб қилган бўлса, ҳозир уларнинг 38 фоизи олий таълимга қамраб олинмоқда. Шулардан бири Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали ўз фаолиятини муваффақиятли бошлади. Мисол тариқасида ушбу жамоанинг 2022 йил 16 ноябрла “Янги Ўзбекистонда – янги ижодий жамоа” деб номланган концерти намойишини келтириш мумкин. Қисқа вақт ичида катта бир оркестр жамоасини ташкил этиши мутахассислар томонидан юқори баҳоланди, ЎзДК катта залида олқишлиар билан кутиб олинди. Бунда Қорақалпогистонда хизмат кўрсатган артист, “Шуҳрат” медали соҳиби, филиал ректори, профессор в.б. Рудакий Алланбаев, оркестр раҳбари, дирижёр “Шуҳрат” медали соҳиби, профессор Ҳикмат Ражабовларнинг

хиссалари катта, уларни табриклаб, миннатдорчилик билдириб, келгуси фаолиятларида яна янги ютуқлар тилаймиз. Чоп этилишига эришилган журнал ҳам бу борада ўз хиссасини қўшади, жамоанинг таълим-тарбия иши, мусиқа маданияти таргиготида ўз хизматини қўрсатади. Бу ишларда барча жамоа аъзоларига куч-кувват, фаоллик ва янги ютуқлар тилаймиз!

Маълумки, ҳар бир миллатнинг тараққиёти унинг маданияти ва санъати даражаси билан белгиланади. Ўз навбатида, давлатнинг маданият ва санъатга бўлган муносабати жамиятнинг ривожланиш даражасини аниклади. Мусиканинг инсон руҳиятига таъсир килиш борасида кенг имкониятлар қадимдан мусиқашунослар, мутафаккирлар ва олимлар дикқатини ўзига жалб қилган. Улар мусиқа санъатининг инсонларни шахс сифатида шаклланишига таъсир этувчи хусусиятларини аниглашга уринишган. Жаҳон фани равнақига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз комил, етук инсонни тарбиялашда мусиканинг ўрнини чуқур анграб, шахс камолотидаги аҳамиятини ўз асарларида, педагогик қарашларида тадқиқ этиб, бой манбалар қолдирғанлар. Буюк мутафаккирлар Ал Фаробий, Абу али Ибн Сино, Абдулқодир Марогий, Шарафиддинали Яздий, Маҳмуд Қошгари, Аҳмад Юғнакий, Садий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Кавқабий, Дарвешали Чангий, Комил Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг қатор асарларида келтирилган мусиқага оид маглумотлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай илмий, назарий ҳамда тарбиявий жиҳатдан ёш авлодни тарбиялашда энг долзарб ва мухим манбаа эканлигини кўришимиз мумкин. Чунки мусиқа – инсонга руҳий қувват, яхши кайфият баҳш этувчи, хис-туйгуларига таъсир қилувчи ўзига хос сехрли олам. Ёшларнинг мусиқага ошнолиги уларда юксак маънавиятни қарор топтиришда мухим омил бўлиб хизмат қиласи. Ёшлар ҳар бир тарихий даврда миллат ва давлат истиқболини белгиловчи асосий куч бўлиб келган. Уларнинг билим - салоҳиятини ошириш, иқтидор ва қобилиятини ижтимоий фойдали жараёнга йўналтириш мамлакат ҳаётини ҳар томонлама юксалтиришнинг асосий омилларидан саналади. Таълим - тарбия уйгунлиги, маданият ривожисиз маърифий такомилга эришиб бўлмайди Кейинги йилларда ёшлар мамлакат миқёсида ўтказилаётган Республика ва турли ҳалқаро қўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллашлари, қўлга киритилаётган ютуқлар ёш авлод маънавиятини юксалтириш, мусиқа ва санъат ривожи учун кенг имкониятлар яратиш йўлидаги эзгу ишларнинг амалий ифодасидир. Ўзбек миллатининг миллий-маънавий қадриятлари, яъни улуг аждодларимиздан мерос бўлиб қолган маънавий, миллий урф-одат, жамиятимиз тараққиётида миллий қадриятларга таҳдид солаётгани, тараққиёт жараёнда интернетдаги айрим ахборотлар ёшлар онгига салбий таъсири, ахборот асрида ёшлар онгини тўғри шакллантириш долзарблиги, миллий асарларда она-Ватанга мухаббат ва садоқат, анъана ва қадриятлар ҳамда миллий руҳда тарбиялаш ҳақидаги асарлар билан таништириш, ўзлаштириш борасида қилинадиган вазифалар мухимлигини таъкидлаш зарур. Мамлакатимизда ёш авлодга барча шарт-шароитлар яратилганлиги ва XXI аср - интеллектуал қадриятлар устуворлик

қиласиган аср эканлигини инобатга олган ҳолда талаба-ёшларни хар томонлама баркамол, етук мутахассис қилиб тарбиялашда ота-она, профессор-ўқитувчиларнинг ўрни катта [1]. Ёшлар иммунитетини шакллантириш борасида ҳаммамиз ҳамкорликда тарбиявий фаолият юритишимиш зарур. Ҳар қандай жамиятда комил инсонни тарбиялаш, унинг руҳий-маънавий оламини бойитиш, онгига эзгу фазилатлар ва юксак ахлоқ руҳини сингдириш алоҳида ахамият касб этади [2]. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларини, янги босқичга кўтариш, ёш авлодни хар томонлама мустақил фикрлайдиган, етук дунёқарааш эгалари қилиб тарбиялаш, уларни илмли, ахлоқли бўлиб камолга етишларига уйда ота-оналар, ўкув юртларида эса муаллим ва устозлар астойдил жон куйдиришлари муҳим ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, ўғил-қизларимизни илм-фан билан ошно қилиш ишидан ҳеч ким четда қолмаслиги зарур. А.Авлонийнинг «Баданинг саломат ва қувватли бўлмоги инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқимоқ, ўқитмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, касалсиз жасад лозимдир» [4], деган қарашлари жисмоний тарбия инсоннинг соглом турмуш кечиришида асосий омил эканлигини асословчи далиллар. Ўтмиш аждодларимиздан қолган маданий меросни тиклаш, ўзлаштириш, ривожлантиришга ҳисса кўшиш ва шулар асосида ёшлар маънавиятини юксалтириб, камолотга етказиш ҳар бир устоз-ўқитувчининг муҳим вазифасини ташкил этади. Халқнинг маънавияти, маданияти, унинг маданий мероси, тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тарақкий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олга силжитишда ҳал қилувчи, белгиловчи ахамиятга эгадир. Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев бежизга: “Агар мендан сизни нима қийнайди, деб сўрасангиз, фарзандларимизнинг таълим ва тарбияси деб жавоб бераман” - деган пурмъино фикрлари фикримизни яққол далиллайди. Ёш авлодни миллий мафкурамиз руҳида тарбиялаш ҳамда санъат ва бадиий ижод орқали уларнинг маънавий дунёсини шакллантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб, ушбу вазифаларни ҳал этишда бор имкониятлардан фойдаланиш, илм, фан, санъат, жумладан мусиқа санъати ютуқларини ишга солиш зарур [3], деб ҳисоблаймиз. Мусиқа санъатининг таъсир кучи бекиёс, чунки, дунёда мусиқани севмайдиган инсон бўлмайди. Лекин ким қандай мусиқани севиши турлича. Ўзбекистон мустақилликка эришган йиллари давомида мусиқа санъати ривожида катта ўзгаришлар рўй берди. Ёшларимиз ўз истеъдодларини жаҳонда намойиш этиб, Халқаро миқёсда эришаётган мувафаққиятлари одатий ҳолга айланди. Энг катта кувонч ва фахр шундаки, бу ёшларнинг бетакор истеъдодига жаҳоннинг катта саҳналари гувоҳ бўлди, кўплаб машҳур санъаткорлар бунга тан бериб, қанчадан канча муҳлислар Ўзбекистон деган мамлакатни таниди. Мусиқа санъати нозик ва серқирра бўлиб, ҳаётимизнинг мазмунли бўлишида, кайфиятимизни кўтаришда, эзгулик томон етаклашда муҳим ўрин тутади. Қадимий миллий мусиқамиздаги бой бадиий-тасвирий воситалар билан бир қаторда, янги жанр

ва турларини ўзлаштириш натижасида ўзбек мусиқа санъати янада юксак даражага кўтарили. Шу боисдан Республикаизда кўплаб кўрик-танловлар ташкил қилинмоқда. Жумладан, Самарқандда “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивали 12 - маротаба ўтказилди; Тошкентда Халқаро симфоник мусиқа фестивали; Шаҳрисабзда 1-Халқаро «Мақом» фестивалининг ўтказилиши; Термизда «Бахши» чилик фестивали, Кўконда «Хунармандлик» кўриклари, Ўзбекистон давлат консерваториясида “Наврўз садолари” кўповозли ансамбль, оркестрлар фестиваллари ва бошқалар – «Зулфия», «Ниҳол» Давлат мукофотларининг таъсис этилиши ҳам фикримизнинг далилидир. Бу танловлар ёш ўгил-қизларни янги ижодий марралар сари илҳомлантириш, уларнинг салоҳиятларини халқаро миқёсда намойиш этишга хизмат қилмоқда. Фестивалда голиб чиққан ёшлар ҳамда мусиқий жамоалар нафақат Республика, балки хорижда ўтказилаётган турли танловлар, ижодий фестивалларда муваффакиятли қатнашмоқдалар. Халқнинг маънавий-маърифий ўзлигини англашга, миллий-маънавий меросини, урф-одатлари, анъана ва қадриятларини бугунги кун талабидан келиб чиққан холда қайта тиклашга бўлган интилишларни кучайтирмоқда. Жаҳонда кечеётган глобаллашув ва модернизациялаш жараёни нафақат иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаётни қамраб олган, балки миллат маънавиятига, эртанги кун истиқболига ҳам таъсир кучини кўрсатмоқда. Глобаллашув жараёнининг мазмун-моҳияти, унинг давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий ҳаётдаги ҳамда ёшлар тарбиясидаги ўрни атрофлича таҳлил қилинмас экан, унинг таъсир кучи хато ва йўқотишларга олиб келиши мумкин. Табиийки, глобаллашув деб аталмиш дунёни бир бутунликда ва ўзаро алоқадорликда бўлишини таъминловчи асосий омил – миллатлараро муносабатни таъминлашдир. Бу ўринда санъат, хусусан мусиқа санъати катта таъсир кучига эга. Ёшлар тарбияси тизимли, доимий давом этадиган, бугунги информацион хуружларга бардош бера оладиган авлодни, унинг онги – тафаккурини, миллатни, Ватанини, элни, оиласини, шаън-шарафини ҳимоя қиладиганларни баркамол қилиб тарбиялаш вазифаси ҳар қачонгидан долзарб вазифа ҳисобланади. Шунинг учун бу борада барча имкониятлардан, жумладан мусиқа санъатининг таъсир кучидан ҳам ўринли фойдаланиш муҳимлигини таъкидлаш лозим. Бу борада яна эътибор қаратиш лозим бўлган йўналиш - барча ёшларимиз умумтаълим мактабларида таҳсил оладилар, шу босқичда ўқийдилар. Бизнинг йўналишимизга оид бўлган “Мусиқа маданияти” дарслари учун ҳафтасига 1 соат ажратилган. Юқорида мусиқанинг тарбиядаги ўрни муҳимлигини инобатга олсак, бу ажратилган соат камлик қилади. Бугунги талаб – ҳар бир ўқувчи бирор чолгуда ижро этишни ўзлаштириши зарурлигини эътиборга олиб, таклифлар: Республикаиз умумтаълим мактаблари “Мусиқа маданияти” дарсларида халқ ижодига, хусусан куй ва қўшиқларига муносабат, унинг шахс камолотидаги ўрнини аниқлаш, ундан тўғри ва самарали фойдаланиш ижобий натижаларга эришишда ёрдам беришидан хулоса қилиб, ўқувчи -

ёшларнинг халқ мусиқаси воситасида таълим-тарбия беришни амалга оширишда куйидагилардан фойдаланса бўлади:

- Ўқитувчи ўзининг меҳнат фаолияти давомида ўкувчи, ўқитувчи, отана ва маҳалла фаоллари билан, турли характердаги одамлар билан мулоқотда бўлар экан, тажриба тўплайди, кўплаб қирралари очилади. Давр талабига жавоб бера оладиган замонавий ўқитувчи шаклланиб бориши учун мунтазам изланиши, ўз устида ишлаши зарур;
- Халқ қўшиқларининг тарбиявий аҳамияти, имкониятларини аниклаб, мусиқий мазмунини таҳлил этиш, ифода усули ва бадиийликни идрок қилиш;
- Замонавий илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, техника, технология янгиликлари ва ютуқлари билан мунтазам таништириб бориш;
- Санъат, ижрочилик йўналишларида Халқаро, Республика миқёсидаги турли кўрик-танловлар голиблари, совриндорлари ҳақида маълумотлар бериб бориш, учрашувлар ўтказиб туриш;
- Республикамиздаги таниқли санъаткорлар, ижодкорлар билан ижодий учрашувлар, сухбатли концертлар ўтказиб боришга аҳамият бориш;
- Мактабга яқин бўлган мусиқа ва санъат мактаблари билан алоқа ўрнатиш, ҳамкорликда турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб бориш, мактаб ўкувчиларини бу ижодий фаолиятга жалб қилиш ижодкорликка, масъулиятни ҳис этишга хизмат қиласи;
- Синф, мактаб, туман миқёсида ўтказиладиган турли бадиий чиқишларда фаол қатнашиш ўкувчиларнинг билим доирасини кенгайтиради, дўстлар орттиришга, ҳамкорликда ижод қилишга имкон яратади;
- Радио ва телевидение орқали ёшлар учун аталган эшиттириш ва кўрсатувларни тизимли ташкил этиш, уларни тинглаб, тамоша қилиб, баҳс-мунозара ўтказиб бориш ўкувчиларда фикрлаш, нутқ, муомала маданиятини ўстиришга ёрдам беради;
- АРМ, интернет материалларидан ҳам унумли фойдаланишни йўлга кўйиш (ўкувчилар уйларида ҳам компютер бор, кўпчилик унга қизиқади, машгул бўлади).

Буларнинг барчаси, ёш авлодни мусиқа санъати орқали ахлоқий ва эстетик тарбиялашни самарали олиб борилишида катта таъсир кучига эга, бу ишни амалга ошириш, ҳаётга тадбиқ этиш ҳар бир устоз-ўқитувчининг асосий вазифаси эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Мустақил ватанимиз ҳаётида эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий баркамол авлодни вояга етказиш миллий истиқлол гоясининг пировард мақсади ва мазмун моҳиятини ташкил этади. Бу олий мақсадга эришиш йўлида барча фанлар қатори “Мусиқа маданияти” фанидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони:// “Халқ сўзи” газетаси, -Т., 08.02.2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатгий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т., Ўзбекистон, 2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари.
4. Мирзиёев Ш.М. Олий мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь
5. Авлоний А. Ўсон миллат. –Т., Шарқ нашриёти, 1993, - 77 б.

